



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 02 | pp. 298-304 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ



Гафурова Дилшода Рамазановна,

Тошкент Кимё халқаро университети, “Менежмент ва маркетинг”

кафедраси проф. в.б., PhD

Аннотация: Мазкур мақолада олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинади. Университетлар, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик, молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари ва рақамли технологияларни жорий этиш орқали инновацион муҳит яратишнинг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, халқаро тажриба асосида инновацион инфратузилмани шакллантириш, университет-саноат ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: олий таълим, инновацион фаолият, рақамли трансформация, молиявий қўллаб-қувватлаш.

Аннотация: В данной статье анализируются теоретические и практические аспекты развития инновационной деятельности в высших учебных заведениях. Освещается важность создания инновационной среды посредством укрепления сотрудничества между университетами, государством и частным сектором, совершенствования механизмов финансовой поддержки и внедрения цифровых технологий. На основе международного опыта предложены рекомендации по формированию инновационной инфраструктуры, укреплению сотрудничества между университетами и промышленностью, а также повышению кадрового потенциала.

Ключевые слова: высшее образование, инновационная деятельность, цифровая трансформация, финансовая поддержка.

Abstract: This article analyzes the theoretical and practical aspects of developing innovation activities in higher education institutions. It highlights the importance of creating an innovative environment through strengthening cooperation between universities, the state, and the private sector, improving financial support mechanisms, and implementing digital technologies. Based on international experience, the study offers recommendations for establishing innovation infrastructure, enhancing university-industry collaboration, and improving human capital development.

Keywords: higher education, innovation activity, digital transformation, financial support.

Кириш

Бугунги глобал иқтисодий шароитида инновациялар мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ва тараққиётида ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан, инновацион фаолиятни ривожлантириш масаласи жаҳон таълим тизими ва илмий тадқиқотлар дастурларининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Олий таълим муассасалари нафақат билимлар узатиш марказлари, балки инновацияларни ишлаб чиқариш, тадқиқотларни амалий жараёнларга татбиқ этиш ҳамда янги технологияларни коммерциялаштиришда асосий кучлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Замонавий университетлар жамият ва иқтисодийнинг инновацион салоҳиятини шакллантирувчи стратегик институтларга айланиб, интеллектуал ресурсларни самарали бошқариш, тадқиқотларни амалий татбиқ этиш ва илм-фан билан ишлаб чиқаришни интеграция қилиш каби вазифаларни бажармоқда.

Олий таълимда инновацион фаолиятни ривожлантириш нафақат таълим сифатини ошириш, балки университетларнинг глобал рақобатбардошлигини таъминлаш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда олий таълим муассасалари фақатгина кадрлар тайёрлаш маркази сифатида эмас, балки стартаплар ва тадқиқот марказлари учун инновацияларга асосланган экотизимларни шакллантирувчи драйвер сифатида ҳам фаолият юритмоқда. Ривожланган давлатларда университетлар ва саноат ўртасидаги ҳамкорлик инновацион экотизимнинг асосий элементларидан бири ҳисобланиб, янги технологияларнинг амалиётга татбиқ этилиши ва иқтисодий самарадорликка эришиш жараёнини тезлаштиради. Шу боис, Ўзбекистонда ҳам олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ривожлантириш, тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш ва саноат билан интеграция қилиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Олий таълимда инновацион фаолиятни ривожлантиришда бир қатор асосий муаммолар мавжуд. Биринчидан, университетларнинг илмий-тадқиқот салоҳиятини молиялаштириш механизмлари ҳали тўлиқ ривожланмаган. Иккинчидан, инновацион ғоялар ва ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишда университетларнинг бизнес ва саноат билан ҳамкорлик механизмлари етарлича самарали эмас. Учинчидан, олий таълим муассасаларида тадқиқотлар ва стартапларни қўллаб-қувватлаш, илмий фаолиятни тижоратлаштириш учун зарур инфратузилма (технологик парклар, инкубаторлар ва акселераторлар) етарли даражада шаклланмаган.

Адабиётлар шарҳи

Олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича халқаро тадқиқотлар кўплаб турли ёндашувларни таклиф этади. Бу тадқиқотлар инновацион муҳитни шакллантириш, рақамли технологияларни жорий этиш ва университет-саноат ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали таълим сифатини оширишга қаратилган.

Gibbs ва Dawson [1] таълим муассасаларида инновацион муҳитни шакллантиришнинг муҳимлигини таъкидлайди. Уларнинг тадқиқотларида олий таълим муассасаларида инновацион муҳитни яратиш учун университет ичидаги ижодий муҳит, молиявий ресурслар ва бошқарув жараёнларини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилган.

Berglund va Holmgren [2] олий таълимда тадбиркорлик маданиятини шакллантириш бўйича ўз тадқиқотларида университет ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамиятини кўрсатган. Уларга кўра, инновация ва тадбиркорликни ривожлантириш учун талабаларнинг мутахассислик салоҳиятини ошириш ва уларни ишлаб чиқариш жараёнларига жалб қилиш зарур.

Rothaermel va Agung [3] таълим муассасаларида инновацион тадқиқотларни ривожлантириш учун илмий-тадқиқот ва инновация марказларини ташкил этишни тавсия этади. Уларнинг тадқиқотига кўра, университетларда яратилган илмий марказлар инновацион технологияларни жорий этишда муҳим роль ўйнайди.

Westerman va Bonnet [4] рақамли трансформациянинг олий таълим муассасаларидаги аҳамиятини ўрганган. Уларнинг фикрича, рақамли технологияларни жорий этиш талабаларнинг таълим жараёнидаги иштироки ва ижодий қобилиятини ошириш билан бирга, таълим сифатини ҳам яхшилайдди.

Gupta va Bose [5] инновацион сиёсати ва стратегияларини тадқиқ этиш орқали инновацияларни тижоратлаштириш механизмлари ва университетлар ўртасидаги ҳамкорликнинг инновацион фаолиятни рағбатлантиришдаги аҳамиятини очиб берган.

Таҳлил ва натижалар

Олий таълим муассасаларининг инновацион фаолияти ривожланиши глобал рақобат муҳитида мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Халқаро тажриба кўрсатмоқдаки, ривожланган мамлакатларда университетлар нафақат таълим марказлари, балки инновацион экотизимларнинг асосий драйверлари сифатида намоён бўлмоқда. Бу жараёнда университетлар ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик, давлат қўллаб-қуввати, рақамли трансформация ва тадқиқотларни тижоратлаштириш механизмлари асосий ўрин тутди.

Инновацион инфратузилма олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ривожлантиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Унинг таркибий қисми сифатида тадқиқот марказлари, технологик парклар, стартап инкубаторлар ва акселераторлар мустаҳкам илмий ва иқтисодий асос яратади. Қуйидаги жадвалда инновацион инфратузилмани шакллантиришнинг асосий халқаро механизмлари батафсил кўриб чиқилади.

1-жадвал.

Инновацион инфратузилмани шакллантиришнинг халқаро тажрибаси

Мамлакат	Инновацион инфратузилма элементлари	Молиялаштириш механизмлари	Тадбиқ этиш стратегиялари
АҚШ	Илмий-тадқиқот марказлари, бизнес-инкубаторлар, акселераторлар	Миллий илмий жамғармалар (NSF), хусусий сектор, давлат грантлари	Илмий-тадқиқот институти асосида стартаплар учун акселератор дастурлари
Германия	Технологик	Европа Иттифоқи	Индустриал кластерк

	кластерлар, университет инновацион марказлари	лойиҳалари, корпоратив инвестициялар	концепцияси, узоқ муддатли давлат- хусусий ҳамкорлик
Япония	Илмий марказлар, технопарклар	Давлат қўллаб- қуввати, хусусий компанияларнинг инвестициялари	Академик ва саноат соҳалари ўртасидаги ҳамкорлик
Сингапур	Инновацион экотизимлар, тадқиқот институтлари	Миллий тадқиқот фонди, хусусий молиялаштириш	Халқаро тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик
Финляндия	Университетлараро илмий ҳамкорлик, лабораториялар	Давлат грантлари, Европа тадқиқот фонди	Университет ва ишлаб чиқариш секторларининг интеграциялашуви

Манба: муаллиф ишланмаси

Германия ва Финляндия тажрибасида илмий тадқиқот муассасалари ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорлик устувор аҳамият касб этади. АҚШ ва Сингапурдаги акселератор дастурлари инновацияларни тижоратлаштиришга хизмат қилиб, янги технологик стартапларнинг ривожланишига имкон беради. Япония эса хусусий сектор маблағларини жалб этиш орқали илмий тадқиқотларни ҳимоялаш ва патентлаш жараёнларини жадаллаштиришга эришган.

Илмий тадқиқот натижаларининг тижоратлаштирилиши университетлар ва ишлаб чиқариш секторлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик механизмларига боғлиқ. Қуйидаги жадвалда турли мамлакатларда университет-саноат ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун амалга оширилаётган стратегиялар батафсил кўрсатилган.

2-жадвал.

Университет-саноат ҳамкорлигининг халқаро механизмлари

Мамлакат	Ҳамкорликнинг институционал шакллари	Молиялаштириш воситалари	Инновацион дастурлар ва лойиҳалар
АҚШ	Университет тадқиқот марказлари	Миллий тадқиқот фонди, хусусий корпоратив грантлар	Илмий патентлар жадаллашуви, хусусий сектор билан ҳамкорлик
Германия	Технологик кластер ва корхоналар билан ҳамкорлик	Европа Иттифоқи тадқиқот дастурлари, хусусий молиялаштириш	Илмий тадқиқотларни амалий татбиқ қилиш
Канада	Илмий тадқиқот	Миллий тадқиқот	Илмий натижаларни

	лабораториялари ва консорциумлар	институтлари, хусусий сектор	тижоратлаштириш
Австралия	Университетлараро илмий консорциумлар	Миллий инновация фонди, хусусий инвестициялар	Ҳамкорликда илмий тадқиқотларни амалга ошириш
Сингапур	Илмий тадқиқот марказлари ва акселераторлар	Миллий тадқиқот грантлари, хусусий молиялаштириш	Технопарклар ва стартап акселератор дастурлари

Манба: муаллиф ишланмаси

АҚШ ва Германияда университет ва ишлаб чиқариш секторлари ўртасидаги ҳамкорлик институционал даражада мустаҳкамланган. Бунинг натижасида илмий тадқиқотлар тезроқ амалий татбиқ этилади ва инновацион ишланмаларнинг рақобатбардошлиги ошади. Канада ва Австралияда университет-консорциум тизими илмий тадқиқотларни тижоратлаштиришга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Рақамли трансформация олий таълим муассасаларининг инновацион салоҳиятини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ушбу жараёнда ахборот технологияларини кенг қўламда жорий этиш таълим жараёнининг самарадорлигини яхшилайдди.

3-жадвал.

Рақамли трансформация бўйича халқаро тажриба

Мамлакат	Рақамли трансформация йўналишлари	Технологик воситалар	Жорий этиш механизмлари
АҚШ	Онлайн таълим платформалари	Coursera, edX, Blackboard	Очиқ таълим платформалари
Сингапур	Виртуал лабораториялар	Виртуал реаллик (VR), сунъий интеллект (AI)	Илмий лабораторияларни рақамлаштириш
Финляндия	Таълим жараёнини рақамлилаштириш	Электрон журналлар, рақамли китоблар	Электрон дарсликларни жорий этиш
Япония	Технопарклар ва интерактив таълим платформалари	Интерактив мультимедиа, сунъий интеллект	Университет-саноат ҳамкорликда онлайн курслар
Буюк Британия	Рақамли таълим инфратузилмаси	Электрон китобхоналар, интерактив симуляциялар	Интерактив таҳсил жараёнини ташкил қилиш

Манба: муаллиф ишланмаси

АҚШ ва Сингапурдаги рақамли таълим платформалари анъанавий таълим моделларидан фарқ қиладиган интерактив ёндашувларни жорий этишда илғор ютуқларга эришган. Финляндия ва Японияда рақамли инфратузилма ва

технопарклар талабалар учун замонавий таълим муҳитини шакллантириш имконини бермоқда.

Таклифлар

Олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ривожлантириш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва илм-фан салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги глобллашув ва рақамли трансформация шароитида Ўзбекистон олий таълим тизимида самарали инновацион муҳитни шакллантириш учун институционал, молиявий ва ташкилий механизмларни кенгайтириш зарур. Халқаро тажриба таҳлили ва амалий натижаларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги таклифлар илмий асосланган ва стратегик йўналтирилган чора-тадбирлар сифатида тавсия этилади.

Биринчидан, инновацион инфратузилмани мустаҳкамлаш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқиш зарур. Бу дастур доирасида университетлар ҳузурида технологик парклар, стартап инкубаторлар ва акселераторларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Бу марказлар талабалар ва тадқиқотчилар учун инновацион ғояларни амалга ошириш имкониятини яратиб, янги технологик ишланмаларни тезкор тижоратлаштиришга имкон беради. Шунингдек, давлат ва хусусий сектор иштирокидаги инновацион фондларни ташкил этиш молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, университет-саноат ҳамкорлигини институционал асосда кучайтириш талаб этилади. Бунинг учун олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик шартномаларини тузиш механизми йўлга қўйилиши керак. Хусусий сектор билан ҳамкорлик доирасида илмий тадқиқотларни тижоратлаштириш, технологияларни трансфер қилиш ва ҳамкорлик лойиҳаларини молиялаштириш самарадорлиги оширилади. Шу билан бирга, давлат томонидан университет-саноат консорциумларини ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш орқали инновацион маҳсулотларни амалиётга татбиқ этиш жараёни жадаллашади.

Учинчидан, рақамли трансформация жараёнини кенгайтириш зарур. Олий таълим муассасаларида рақамли технологияларни жорий этишни давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватлаш зарур бўлиб, бунинг учун таълим платформалари, виртуал лабораториялар ва сунъий интеллект асосидаги таълим дастурлари яратилиши керак. Онлайн таълим платформалари талабаларнинг таълим жараёнидаги иштироки ва илмий тадқиқотлардаги фаоллигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, рақамли таълим инфратузилмасини такомиллаштириш орқали академик муваффақият ва тадқиқот натижаларига эришишда замонавий ёндашувларни қўллаш имконияти яратилади.

Тўртинчидан, молиявий қўллаб-қувватлаш ва инвестиция сиёсатини такомиллаштириш муҳим. Илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун давлат грантлари, хусусий инвестициялар ва халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш зарур. Олий таълим муассасалари учун инвестициявий имтиёزلарни жорий этиш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш механизмларини соддалаштириш орқали тадқиқотларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мумкин.

Бешинчидан, кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида педагог-олимлар ва тадқиқотчиларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш талаб этилади. Халқаро тажриба алмашинув дастурларини йўлга қўйиш, илғор мамлакатлар билан илмий-тадқиқот ҳамкорлигини кучайтириш ва маҳаллий мутахассисларнинг илмий салоҳиятини ошириш орқали инновацион тадқиқотлар сифати яхшиланади.

Хулоса

Ўзбекистондаги таҳсилдан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ривожлантириш учун комплекс ва тизимли ёндашув зарур. Университетлар, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги самарали ҳамкорликни мустаҳкамлаш, молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш орқали инновацион муҳит шакллантирилади. Бундай тизимли ёндашув натижасида нафақат таълим сифати ва илмий-тадқиқот салоҳияти оширилади, балки мамлакатнинг иқтисодий ўсишида барқарорлик таъминланади. Инновацион ташаббусларнинг самарали амалга оширилиши ва давлатнинг стратегик қўллаб-қуввати орқали Ўзбекистон олий таълим тизими халқаро миқёсда рақобатбардош бўлишига эришиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Gibbs, G., & Dawson, S. (2017). *Developing Creative Environments in Higher Education*. Journal of Educational Innovation, 29(3), 245-260.
2. Berglund, K., & Holmgren, C. (2019). *Entrepreneurial Learning in Higher Education: Fostering Industry-University Collaborations*. International Journal of Entrepreneurial Behavior & Research, 25(4), 658-675.
3. Rothaermel, F. T., Agung, S. D., & Jiang, L. (2007). *University Entrepreneurship: A Taxonomy of the Literature*. Industrial and Corporate Change, 16(4), 691–791.
4. Westerman, G., Bonnet, D., & McAfee, A. (2014). *Leading Digital: Turning Technology into Business Transformation*. Harvard Business Review Press.
5. Gupta, A., & Bose, I. (2019). *Innovation Commercialization Strategies in Higher Education Institutions*. Journal of Business Research, 102, 456-465.

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

